



COURSE: CORPORATE GOVERNANCE

**LECTURE 10. EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF
CORPORATE GOVERNANCE
LECTURER: XUSAINOV Sh. PhD**

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ – ФАНИ

**10 – МАВЗУ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ
БАҲОЛАШ
МАЪРУЗАЧИ: ХУСАИНОВ Ш., и.ф.н., доцент**

Маълумот учун: барча маъруза тезисларида, тақдимотларда “Корпоратив бошқарув” (муаллиф С.Элмирзаев), “Corporate Governance: Principles, Policies and Practices” (муаллиф Bob Tricker) китоблари материаллари фойдаланилган, мазкур китоблар фаннинг асосий дарсликларидир, аммо бошқа турли манбалардан ҳам фойдаланилади.

Мавзу саволлари:

- 1. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг аҳамияти**
- 2. Корпоратив бошқарув тизими диагностикаси**

1. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг аҳамияти

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида асосланган корхона ва бирлашмаларни модернизация қилиш орқали фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, акциядорлик жамиятларини фаолиятида кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар акциядорларнинг бошқарув жараёнидаги иштирокини таъминлаш, барча акциядорларни ва инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришга тааллуқли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4720-сонли [Фармони](#) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги



«Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 215-сонли Қарори акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув амалиётига доир тажрибаларни илмий-амалий таҳлил қилиш асосида энг илғор ютуқларни кенг татбиғини жорий қилиш, бошқарув органлари фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш билан бирга илғор хорижий ва миллий тажрибани умумлаштириш асосида корпоратив бошқарув тизими диагностикасини ташкил этиш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида қўлланмалар ва ички корпоратив ҳужжатлар ишлаб чиқиш мамлакатимизда устувор йўналишлар сифатида қайд этилган.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февраль куни «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қабул қилинган Фармонида белгиланган вазифалар, хусусан иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш жараёнида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтиришни изчил амалга ошириш янада муҳим ўрин тутди.

Шу жиҳатдан олганда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масаласи долзарб характерга эга бўлмоқда. Чунки, миллий иқтисодиётда корпоратив секторни муваффақиятли ривожлантириш учун самарали бошқарув замонавий механизмларни тезкор жорий этиш давр талабидир. Корпоратив бошқарувнинг паст даражаси акциядорлик жамиятларига инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва бизнесни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан бири билан юзага келган қийинчиликларнинг энг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун сўнгги йилларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масаласи ҳам давлат, ҳам бозор иштирокчиларининг эътиборини тортмоқда.

Корпоратив бошқарувнинг самарадорлиги кўплаб омилларга, хусусан, корпоратив бошқарув стандартларига риоя этишга боғлиқ. Самарали корпоратив бошқарув - инвесторлар учун акцияларни сотиб олиш, узоқ муддатли инвестицияларни амалга ошириш учун сигналдир. Бунинг сабаби, самарали корпоратив бошқарув инқироз вазиятларни руй бериш хавфини камайтиради ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг муваффақиятли ҳал этилиш эҳтимолини оширади, акциядорлар ва инвесторлар билан муносабатларнинг "ошқоралигини" таъминлайди.



Шу билан бирга, корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлиги нафақат компания бозор қийматини оширади, балки ўз навбатида, молиявий бозорларда рақобатбардошлигини оширади, кредитлаштириш қийматини пасайтиради ҳамда инвесторлар учун янада жозибадор қилади.

Шунингдек, самарали корпоратив бошқарув тизими акциядорлик жамиятлар бошқаруви тизимида янги, замонавий ёндошувларни фаолроқ жорий қилиш имконини беради, жумладан:

- акциядорларнинг умумий йиғилишларини, кузатув кенгашлари ва ижро органлари мажлисларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш;
- компаниялар фаолияти ва уларнинг битимларини шаффофлиги (ошкор қилиш тизимини такомиллаштириш) ва ички молиявий назорат тизимини такомиллаштириш;
- компанияни бошқаришда кузатув кенгашининг ролини кучайтириш (кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиш, кузатув кенгашлари қошида тегишли қўмиталарни тузиш);
- ижро органларининг кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишларига ҳисобдорлигини ошириш;
- акциядорлик жамиятини ривожлантириш учун оқилона дивиденд сиёсати ва стратегиясини яратиш имконини беради.

2. Корпоратив бошқарув тизими диагностикаси

Республикамиз акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув стандартларини жорий этишга, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга бўлган маъсулиятни сезмоқдалар. Аммо, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилишда қўйилаётган камчиликлар, акциядорлик қонунчилиги доирасида ҳуқуқий базани такомиллаштириш эҳтиёжи, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллашдаги қийинчиликлар тўла-қонли корпоратив бошқарув стандартларини татбиқ қилиш имконини бермаяпти.

Айниқса, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун илмий жиҳатдан мустаҳкам методологиянинг етишмаслиги корпоратив стандартларга риоя қилиш зарурлигини тушунишни қийинлаштиради.

Бундан ташқари, акциядорлар ва ижроия органлари ўртасидаги муносабатларнинг акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини оширишдаги муаммоси ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Профессional бошқарувчиларнинг салоҳиятини етарли эмаслиги, бошқарувда назоратнинг йўқлиги муаммоси, хорижий компанияларнинг интеграциялашуви, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи бозорларга чиқиш ва шу кабилар учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга шуни қайд этиш лозимки, корпоратив бошқарув тизими самарадорлиги баҳолаш диагностикаси методологияси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув даражасини баҳолаш имконини бериши



билан биргаликда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини аниқлашнинг тизимли ёндашувини шакллантиради, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқилади, ҳар бир акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув амалиётини миллий қонунчилик меъёрлари, корпоратив бошқарув кодекси ва жаҳон амалиёт стандартлари бўйича қиёсий таҳлил қилиниши натижасида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Бугунги кунда самарали корпоратив бошқарув тизими инвестицион қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда ва шу жиҳат сабаб корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлмаган компания рақобатбардош ва инвестицион жозибадор бўлиш учун бозорнинг тўлиқ иштирокчисига айланиш имкониятига эга эмас. Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликда корпоратив бошқарувга бўлган бундай жиддий эътиборнинг асосий мезони инвесторлар учун янада хавфсизроқ ва қулай муҳит яратиш истаги ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларини корпоратив бошқарув тизимини диагностикаси асосида баҳолаш жаҳоннинг турли компаниялари бизнес амалиётида қўлланиладиган асосий рейтинг кўрсаткичи сифатида эътироф қилинмоқда. Корпоратив бошқарув тизимини диагностикаси нафақат бошқарув ва назорат органлари фаолиятини самарадорлигини аниқлашни, балки акциядорлик жамиятларининг бошқарувида руй бераётган жараёнлар динамикасининг талқинини ҳам билдиради. Акциядорлик жамиятларини фаолиятига нисбатан бундай замонавий ёндошув бошқарув ва назорат органларининг самарадорлигини ошириш, сезиларли даражада салоҳиятини кўтариш имконини беради. Демак, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашда диагностиканинг инструментларини қўлланилишини тадқиқ этилишини талаб этади.

Бир қатор халқаро илмий-тадқиқот марказларининг изланишларида корпоратив бошқарувнинг акциядорлик жамиятлар фаолиятининг самарадорлигига таъсири илмий жиҳатдан асосланган. Жумладан,

- ривожланаётган бозорларда фаолият юритаётган 100 та йирик компаниялардан энг яхши корпоратив бошқарув тизимига эга бўлган компанияларда EVA (Economic Value Added) кўрсаткичи компанияларнинг ўртача кўрсаткичидан 8% га кўпдир.

- энг яхши корпоратив бошқарув тизимига эга бўлган АҚШ компанияларида савдо ҳажмининг ўсиши паст корпоратив бошқарувига эга бўлган компанияларга нисбатан юқорироқдир.

Турли халқаро ташкилотларнинг, жумладан Жаҳон банки, OECD, EBRD ва KPMG методологияси, PWCнинг GAMMA методологияси, Standard and Poor's рейтинг агентлигининг корпоратив бошқарувни баҳолаш методологиясига доир таҳлилларда корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини баҳолашда асосий элемент эканлигини қайд этиш билан



биргаликда жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари фаолиятини баҳолаш ҳам методологиянинг ажралмас қисми сифатида қаралади.

Жаҳон тажрибасида акциядорлик жамиятларнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича *рейтинглар* белгилаш методологиясини қўлланилади. Корпоратив бошқарувни, айниқса ўтиш даври иқтисодиётига эга давлатлар учун стандартлаштириш ва баҳолаш услубларини ишлаб чиқишда GAMMA (Standard & Poor's) (АҚШ), GMI (Governance Metrics International) (АҚШ), "Euromoney" журнали (Буюк Британия), Россия корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув институти (Core rating методикаси) методологиялари алоҳида ўрин тутди.

Корпоратив бошқарувни диагностикасига доир методологияларнинг аксарияти 1999 йилда қабул қилинган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) томонидан ишлаб чиқилган корпоратив бошқарув тамойилларига асосланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) Корпоратив бошқарув тамойиллари ва уларнинг тавсифи

OECD Корпоратив бошқарув тамойиллари	Тамойиллар тавсифи
Акциядорлар ҳуқуқлари	Корпоратив бошқарув тузилмаси акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак.
Акциядорларга тенг муомалада бўлиш	Корпоратив бошқарув тузилмаси акциядорлар, жумладан, кичик ва чет эллик акциядорларга тенг муносабатда бўлишни таъминлаши керак. Барча акциядорлар ҳуқуқларини бузган тақдирда самарали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши керак.
Корпоратив бошқарувдаги манфаатдор томонларнинг роли	Корпоратив бошқарув тизимини тан олиш керак: - манфаатдор шахсларнинг устав ҳуқуқлари; - корпорациялар ва манфаатдор томонлар ўртасида фаол ҳамкорликни рағбатлантириш; - қиймат ва ишларни яратиш; - корхона молия фаровонлигининг барқарорлигини таъминлаш.
Шаффофлик ва ахборотларни ошкоралиги	Корпоратив бошқарув тузилмаси корпорация билан боғлиқ барча моддий масалалар, шу жумладан, компаниянинг молиявий ҳолати, ишлаши, эгаллик ва бошқарилиши тўғрисида ахборотни ўз вақтида ва тўғри равишда ошкор қилишни таъминлаши керак.
Бошқарувнинг вазифалари	Корпоратив бошқарув тузилмаси компаниянинг стратегик бошқарувини, раҳбарият томонидан



	бошқарувни самарали амалга оширишни, шунингдек, компания ва акциядорларга маъмуриятнинг ҳисобдорлигини таъминлаши керак.
--	--

Корпоратив бошқарув диагностикасининг GAMMA (Standard & Poor's) (АҚШ): методологиясида корпоратив бошқарув тамойиллари асосида қуйидаги компонентлар белгиланган 1. Акциядорлар таъсири, 2. Акциядорлар ҳуқуқи, 3. Ошкоралик, аудит ва корпоратив рискни бошқариш тизими 4. Директорлар Кенгашининг стратегик жараёнлардаги самарадорлиги ва мукофотлаш тизими.

GMI (Governance Metrics International) (АҚШ) методологияси корпоратив бошқарувни диагностика компонентларини қуйидагича белгилайди: 1. Директорлар кенгаши таркиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, 2. Молиявий шаффофлик ва ташқи назорат, 3. Акциядорлар ҳуқуқлари, 4. Мулк тузилмасига бозор назорати имконияти. 5. Ижро этувчи органларнинг ваколатлари, 6. Корпоратив ахлоқ кодексининг мавжудлиги.

Шу каби методология "Euromoney" журнали томонидан (Буюк Британия) йирик компанияларнинг рейтингини аниқлаш учун қуйидаги компонентлар қўлланилади: 1. Мулк ва акциядорлик ҳуқуқларининг очиқ-ошкоралиги, 2. Молиявий шаффофлик, 3. Директорлар кенгашининг таркиби ва қарорларини қабул қилиш жараёни. 4. Акциядорлар ўзаро муносабатлар ва компания раҳбариятининг манфаатлари.

МДХ мамлакатларида корпоратив бошқарув диагностикасининг таркибий қисмида Россия корпоратив бошқарув ва ҳуқуқ институти (Core rating методикаси) тажрибаси Россия Федерацияси миллий қонунчилигининг хусусиятлари ва диагностика бўйича жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: 1. Рискларни мавжуд эмаслиги, 2. Маълумотларни ошкор қилиниши, 3. Директорлар кенгаши ва ижро органлари таркиби 4. Устав капиталининг тузилиши, 5. Акциядорларнинг асосий ҳуқуқлари.

Таъкидлаш керакки, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини диагностикасида баҳоловчи мезонларни ишлаб чиқиш, уларни турли компонентларга ажратиш, халқаро стандартлар ва талабларни, янги ёндошувлар ва корпоратив бошқарув илғор халқаро амалиёти, шунингдек, корпоратив бошқарув Кодекси талаблари асос сифатида қабул қилинади.

Корпоратив бошқарув миллий диагностика методологиясини жаҳоннинг етакчи компанияларидаги корпоратив бошқарув амалиётларини миллий қонунчилик талаблари, Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари ва ички ва халқаро корпоратив бошқарув амалиётининг бошқа стандартлари билан таққослаш асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Корпоратив бошқарувни баҳолаш методологиясида тўртта кўрсаткич гуруҳидан фойдаланиш тавсия этилади:



- *акциядорлар ҳуқуқи ва уларнинг таъсири* (акциядорларнинг ҳуқуқлари, акциядорларнинг ҳуқуқларини бузиш эҳтимоли юзага келиши мумкин бўлган рисклар, шунингдек, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича компаниянинг ташаббуси) таҳлил қилинади;

- *бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлиги ва ички назорат* (Кузатув кенгаши ва ижро этувчи органларнинг таркиби ва фаолияти, компаниянинг молия-хўжалик фаолияти устидан ички назорат тизимининг ишлаши, бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик);

- *ошкоралик ва ахборотни ошкор қилиш* (молиявий ва номолиявий ахборотни ошкор қилиш даражаси, ахборотни ошкор қилишнинг умумий тартибини баҳолаш, барча акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар учун маълумотларнинг мавжудлиги);

- *корпоратив этика ва барқарор ривожланиш* (ижтимоий масъулият) (корпоратив ижтимоий жавобгарликни таҳлил қилиш ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш).

Диагностикани ўтказиш тартиби аввола мезонларга, сўнг ушбу мезонларга жавоб бериш вариантларига, мезонларга оид изоҳларга ва таҳлил қилиш учун фойдаланиш учун тавсия этиладиган ахборот манбалари таянилади. Бироқ, эксперт таҳлил қилиш учун бошқа мавжуд очик манбалардан фойдаланиши мумкин.

Корпоратив бошқарувни баҳолаш методологиясида таҳлил учун ахборотлар манбаи сифатида қуйидаги ҳужжатларни асос қилиб олиш мумкин:

- ОАЖ Устави;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси (аудитори) тўғрисидаги низом;
- жамиятнинг коллегиял ижроия органи тўғрисидаги низом (коллегиял ижро органи бўлган тақдирда);
- филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги низом (мавжуд бўлса);
- ички маълумотлар тўғрисидаги низом;
- ахборот сиёсати тўғрисидаги низом;
- реестрни юритиш тартиби;
- корпоратив бошқарув кодекси;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом;
- кузатув кенгаши тўғрисидаги низом;
- манфаатлар қарама қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби низоми;
- ички назорат тўғрисидаги низом;
- кузатув кенгаши, текширув комиссияси ва ижро этувчи орган аъзоларини моддий рағбатлантириш низоми;
- акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари йиғилишлари баённомалари.



Бундан ташқари қуйидаги умумий ахборот ресурсларидан фойдаланиш тавсия қилинади:

- акциядорлик жамиятининг расмий сайти;
- акциядорлик жамиятининг олдинги охирги икки чорагида ҳар чораклик ҳисоботи;
- акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозларининг қиймати;
- акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари рўйхати;
- акциядорлик жамиятининг йиллик ҳисоботи;
- қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг ахборот манбалари;
- оммавий ахборот воситаларида нашр этилган бошқа оммавий ахборот манбалари,
- акциядорлик жамияти вакилларининг тақдимоти материаллари.

Корпоратив бошқарув рейтинги - акциядорлар, бошқарув кенгаши аъзолари ва компаниянинг бошқарув кенгаши, акциядорларнинг турли гуруҳлари ва компаниянинг барча манфаатдор томонлари ўртасида мавжуд бўлган муносабатларнинг умумий қийматини баҳолаш тизимини қуйидагича ташкил этиш мумкин:

- ҳар бир субкомпонент ва компонент учун баллар тўпланади ва ҳар бир субкомпонент ва компонент учун олинган миқдор, ҳар бир субкомпонент ва компонент учун мос келадиган максимал балл билан бўлинади;
- амалиёт стандартларига мос келишининг якуний қиймати барча компонентлар учун олинган йиғиндини барча компонентлар учун мумкин бўлган максимал баллга бўлиш орқали аниқланади.

Ҳисоб-китоблар махсус ишлаб чиқилган дастурий таъминот модели орқали амалга ошириш мақбул.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини диагностикаси методикаси корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартлари негизида ишлаб чиқиш ва уни амалий татбиғи қуйидаги босқичларда амалга ошириш лозим:

1-босқич - корпоратив бошқарув тизими диагностикасини дастлабки таҳлил қилиш учун зарур материалларни тўплаш, тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва интервью ўтказиладиган мансабдор шахсларни аниқлаш;

2-босқич - тақдим қилинган материаллар асосида дастлабки ҳисоботни шакллантириш ва акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини жорий қилишда риоя қилинадиган тартибларга доир хулоса ва тавсиялар бериш;

3-босқич - акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув таркибий бўлинмалари диагностикага доир таҳлил натижаларини тақдим қилиш ва уларнинг шарҳлари асосида, натижаларини тўлдириш;

4-босқич - компаниянинг корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун тавсияларни акс эттириш;



5-босқич - диагностика хулосаси асосида акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив бошқарувни такомиллаштириш чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.

Корпоратив бошқарув бўйича тақдим этилган маълумотларнинг таҳлил натижаларига қараб, акционерлик жамиятлари корпоратив бошқарув тизимининг умумий кўрсаткичи сифатида белгиланган тўртта таркибий қисмнинг ўртача оғирлиги аниқланганидан кейин қуйидаги гуруҳлардан бирига берилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг даражаси:

1-гуруҳ - корпоратив бошқарувнинг юқори даражасига эга акциядорлик жамиятлари. (80% дан 100% гача);

2-гуруҳ - корпоратив бошқарувнинг ўртача даражасига эга акциядорлик жамиятлари. (60% дан 79% гача)

3-гуруҳ - корпоратив бошқарувнинг паст даражали акциядорлик жамиятлари. (60% дан кам)

Шундай қилиб, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими диагностикаси ички ва ташқи бозор иштирокчилари учун инвестицион жозибадорлигини ошириши, фаолият кўламини кенгайтириш ёки чет элда янги истиқболли бозорларни ривожлантириш мақсадида жамият имиджини яхшилаш, акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун акционерлик жамиятлари, корпоратив бошқарувни мунтазам баҳолаш имконияти, ҳар жамиятни миллий қонунчиликда белгиланган, корпоратив бошқарув кодекси ва халқаро амалиёт меъёрлари билан қиёслаш имкониятини беради. Шу билан бирга диагностика натижаларини бутун мамлакатда акционерлик жамиятлари корпоратив бошқарув сифатининг умумий кўрсаткичи сифатида кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Corporate governance: principles, policies and practices, Tricker B. / Oxford, 2015

2. Zamonaviy korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./T.: "Iqtisod-moliya". 2019

3. Korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./ T.: "Zebo Print", 2021

4. -Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonviy yechimlar. Suyunov D.X., Xoshimov E.A., Xusainov Sh.A./ Toshkent: Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, 2021